



Эсга олсам бобокалоним,
Кизаради юзим-тобоним,
Гунохларга тўлди хар оним,
Сустлигидан дину иймоним,
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Эътикодим, динимни сотдим,
Урф-одатим, тилни йўкотдим,
Етмиш йиллар гафлатда ётдим,
Кийналади менинг виждоним,
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Элимда бор кўнгли гаразлар,
Ўгли отасидан аразлар,
Кўпайди кўп ўгри, маразлар,
Каззобларга тўлди маконим,
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Ёшларнинг ҳеч саломлари йўк,
Гапда ширин каломлари йўк,
Чунки дини, исломлари йўк,
Сенда хикмат эзгу армоним

Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Кондошларга окибат кани,
Элга иззат ва хурмат кани,
Дўстга, ёрга садокат кани?
Вафосизлик килди жононим
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Баъзиларнинг ибоси йўқдир,
Ўгил-кизлар хаёси йўқдир,
Эътиқоди, худоси йўқдир,
Шариатим, топталди шаъним,
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Гўдакларни ташлаб кетсалар,
Оналикни инкор этсалар,
Кўли котилликка етсалар,
Аламимдан эзилди жоним.
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Оппок нонни ахлатга отдик,
Очлик азобларини тотдик,
Дарахт кесиб гунохга ботдик,
Барака йўк, курук хирмоним.
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Кўп илмни билолмай колдим,
Нурсиз зулмат ичра йўколдим,
Мен омиман, кам сабок олдим,
Кашшок менинг тилу забоним.
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Хар каломинг хайратга солур,
Ўкиганнинг гарди йўколур,
Оятларинг дардимни олур,
Табобатим, дори - дармоним
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Варакларинг кўзга суртайин,
Хар каломинг эъзоз этайин,
Ганимларинг йикиб туртайин,
Бунга етмас менинг имконим,
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

Хазинамсан умри барқарор,
Бунга кўплар бўлдилар икрор,

Мирзо сенинг хукминга тайёр,
Камолотга элтувчи шоним
Ёрдамга кел, азиз Куръоним.

1989 йил, апрель.

ХАЗРАТИ ТАБОРАК СУРАСИГА БАГИШЛОВ

Бори жахон олами сарвар ўзинг,
Рахмдилу одамипарвар ўзинг,
Туробни зар этгувчи заргар ўзинг,
Бизга меҳр, барокатинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак,

Майли, мени минг бора кил имтихон,
Камол топиш имконидир бу жахон,
Нуксони кўп кулман, ўзингга аён,
Маърифатинг, иноятинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Етти осмон, етмиш уммат яратган,
Бор оламга баробар нур таратган,
Жами жонни даргохига қаратган,
Нуксони йўқ кароматинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Айбдоринг гунохлардан оклагин,
Жаханнамнинг азобидан саклагин,
Рўзи Махшар хабибим, деб йўқлагин,
Садокатинг, шафоатинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Кайнаётган дўзах ўртаб ўкирар,
Ханги янглиг дод этар, у бўкирар,
Кимки тўгри хам равон йўлдан кетар,
Унга раҳмату жаннатинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Сенга диллардаги сирлар аёндур,
Барча кўнгилдаги кирлар аёндур,
Бахил, игвогару гофил ёмондур,
Яхшига зўр мукофотинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Ерни этдинг одам учун хокисор,
Бандамгадур, дединг унда неки бор,
Саховатинг, барокатинг-ку бисёр,
Хар кимга рахму шафкатинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Тош ёгдирар Аллох йўлдан озганга,
Ўзгаларга аламли чоғ казганга,
Ёлғиз Рахмон мададкордир тўзганга,
Раббим, нури хидоятинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Банда, оёк остингни ҳеч кўзлама,
Бу дунё деб, охиратда бўзлама,
Хакдан бўлак адолатни излама,
Меҳнат ила ибодатинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Чин меҳрибон рахмон эканин билдим,
Ёлғиз унга дилда иймон келтирдим,
Сигиндим ўзига таваккул килдим,
Аллох, сенинг хар оятинг муборак,
Кодир Эгам, табораксан - таборак.

Кобил Мирзо, «Мухаббат чашмаси» китобидан.